Омон МАТЖОН
Ўзбекистон халқ шоири

# МИЛЛАТ — КЎНГИЛ ДЕГАНИ



## ИККИ ДАРЁ ОРАЛИҒИНДА

Айлангандир не давру даврон
Икки дарё оралиғинда.
Бугун истиқболли ҳур замон
Икки дарё оралиғинда.

Элликқалъа, Тупроққалъа — бу,
Хотиралар узра дала бу.
Эл ўзлигин англар палла — бу,
Икки дарё оралиғинда.

Ўзбек, туркман ҳам қорақалпоқ,
Яшар бунда дил бир, кўнгли оқ.
Мушкул — осон, яқиндир йироқ
Икки дарё оралиғинда.

Иблис қўзғаб жаннатга ғавғо,
Бир-биридан солганда айро,
Топишгандир Одам ва Ҳаво
Икки дарё оралиғинда.

Бунда зардўшт ўт ёқди алвон,
Келди-кетди буддаю шомон.
Мангу нола қилар Отажон
Икки дарё оралиғинда.

Жайҳун абад узмагай йўлин,
Бунда ҳар ким билар қум тилин,
Эъзозлар ўз ерин ҳам элин
Икки дарё оралиғинда.

Ҳақ таоло чин мададкори,
Султон Увайс азиз ёдгори,
Озод Ватан кўзнинг тумори
Икки дарё оралиғинда.

* * *

Дийдор кўзгусида кавсар оналар,
Умр мулкинда бош шаҳар оналар,

Бир этак қиз берди Расулига ҳақ,
Чун турмуш ҳадисин ёзар оналар.

Фарзандлар ер ва эл шаънин топтаса,
Қалби япроқ кимин бутрар оналар.

Офат куни ташлаб қочмади элин,
Чун Шайх Куброга Ҳожар — оналар.

Ота изми элтса Румийни ҳажга,
Бир дуоси Макка қадар — оналар.

Адолат шайини ҳеч бозорда йўқ,
Жой борми, кўрмаса зарар оналар.

Омон, сен туз ичган барча уйларда
Онанг кўзи билан боқар оналар.

* * *

Дунё бир бозордир, билгил, эй фарзанд,
Расталарда чалғиб-толмасанг бўлди.
Даллолни тожирдан яхши фарқ этсанг,
Қўйнингга пуч ёнғоқ солмасанг бўлди.

Дилда азиз ҳисни ишқ қилар пайдо,
Юракда қалб деган бўлар сувайдо.
Бахтингни авайлаш керак бир жойда
Бекор жонни қурбон қилмасанг бўлди.

Юртимизни безар кўп баланд тоғлар,
Елкасидан тушар дарё, ирмоқлар.
Олдингдан ўтганда не арғумоқлар,
Қамчинни қозиққа илмасанг бўлди.

Хоҳла Маккага бор, ёд айла Қуръон,
Ислом ўлмас сўздир, соҳиби Раҳмон,
Мутелик эмасдир эътиқод, иймон,
Фақат диннинг қули бўлмасанг бўлди.

Инсон юрти билан, эл билан тирик,
Дунёда ҳеч не йўқ Вақтдан югурик,
Даврон бўй-бастингни қилганда кўрик
Ўз холингни кўриб, кулмасанг бўлди!

## ТОПИЛДИҚ ҚУШЛАР

Ўлкам заминида шартли воқелик —
Ер тўшагин очиб, ўнгланди тушлар:
Нукусда — саполда, Қувада — турунж,
Ходоросда — ганждан ясалган қушлар.

Тинган бу парвозлар нени эслатар,
Ёки тирикларга нененинг огоҳи?
Ё кўрмай, беписанд топтаб ўтдими,
Ростнинг кулбасини ёлғон сипоҳи?!

Тарих, сўзсиз, битта.
Аммо калит кўп.
Тарих сўзсиз, даъво, илинж конидир.
Тарих — гоҳ биринчи нотиқнинг ҳукми,
Гоҳ оддий олимнинг ҳаяжонидир.

Тарих — сиёсатнинг ўйинларида.

Ўзи яна юз бор топталгани рост.
Ғараз, манфаатлар жанги бу мангу,
Не-не олтин бошлар йитмоғи — мерос.

Бугун шунчаки бир холис сўз айтмас,
Йиғсанг дунёнинг бор ноибларини:
Ҳатто минг йилдан сўнг —
тошда кўрса ҳам
Тоза, юксак парвоз соҳибларини.

Мангу интилишнинг шу бир лаҳзаси,
Узилган парвознинг бир силтови боз,
Не боис очилди бугун оламга,
Кимга мўлжалланган бу хабар,
бу роз?!

* * *

Муборак, юртим, бу ёғду,
Наҳот битди узун уйқу.

Наҳот, етти дўзах оша —
Келар миллат деган туйғу.

Аммо ҳамон уйғоқменму,
Руҳим гўё қўрқоқ оҳу.

Балки ичдан ҳамон кетмас
Қисиқ кўзли мунғул қўрқув.

Янгилмагил энди, элим,
Эрнинг иши эрга кўзгу.

Сув тушди Оролга, тоғмас,
Халқ руҳининг тошуви бу.

Қирқ қирқилма қавм қувлаб,
Қиёт, қонгли, олон, ёбғу.

Пуч асаса кибр қўзса,
Босар ҳақ йўлни қоронғу.

Чалғитмасин улуғ кундан,
Анов-манов ва ё у-бу.

Эрк десанг бас, сафга тургай,
Кубро, Жалолиддин Мангу.

Эй ҳурлигим, дулдулни тут,
Пойингга тилло узангу.

## МУСИҚА АФСОНАСИ

Хоразм ёзувин йўқ қилди келиб
Қутайба.
Халқ сўнг бор ўнглаб қувватин,
РУҲни асраш учун сир, паноҳ билиб,
Мусиқа қаърига кўмди қудратин.

Уюрум асрлар,
ғафлат тўзони,
понгвош бошчилару
истибдод нафси,
Тик ютиб юборди икки дарёни,
китобларда қолди Оролнинг расми.

Гарчи лотин тили йўқолиб беном,
Бугун ярар ҳечса дори паттага.
Наҳот бул Мусиқа тез топар итмом,
Хоразмни ютар
Туз, Қум — шу Чага?!

Ким шуни истаса,
Ва ё
қасд этса,
Дунёдан ўзи ҳам жазосиз кетмас.
Аҳир, бу — Мусиқа.
Абадий туғён —
Минг сомий, юз ровий ҳаёти етмас.

* * *

Ҳусн шаъминг қачон ёнди,
Невчун биз томон ёнди?!
Жисмим аро жон ёнди,
Порлаб устихон ёнди,
Жуз узра девон ёнди,
Тоғ водий томон ёнди,
Шарқу ғарб равон ёнди.

Не бахт, бир солдинг назар,
Ошиққа висол сипар —
Юлдуз чизгиси — сафар:
Лаҳза нур — олий самар.
Мақсуд бир макон магар.
Нуҳ эмас, уммон ёнди,
Даври Кахкашон ёнди.

Жам бўлди тўртта фасл,
Очилди Абадий сир
Ва қудрати муттасил,
Бори эл нурга восил,
Куй бошлади оби гил,
Юлдузи Инсон ёнди,
Кўҳна турк-юнон ёнди.

Воҳ, сал ўнгмай суйганлар,
Келди қовоқ уйганлар,
Зардоб хирқа кийганлар,
Ғурбат, хасад ейганлар,
Қон сипқорса тўйганлар,
Қўлда ҳовуч дон ёнди,
Икки ошиқ жон ёнди.

Эй ишқ, кўру кар бўлма,
Эй дил, ҳиссиз хар бўлма,
Эй эрк, тансиз пар бўлса,
Тескари минбар бўлма,
Ҳақ йўлин тўсар бўлма,
Не орзу — армон ёнди,
Нечун Туркистон ёнди?!

Бизга бири кифоя:
Ишқ сурури кифоя.
Сўзнинг дури кифоя.
Ҳақ зуҳури кифоя.
Эл ғурури кифоя.
Уйғон деб забон ёнди.
Меҳробда Қуръон ёнди.

Миллат — кўнгул дегани,
Миллат — севил дегани,
Миллат — танил дегани,
Дунёни бил дегани,
Эл бўлсин эл дегани,
Не тахту фармон ёнди,
Жалолиддинхон ёнди.

## ФАТТОҲХОН МАМАДАЛИЕВ



Ўзбекистон маданияти ва мусиқа санъати оғир жудоликка учради. Атоқли хонанда, ноёб овоз соҳиби, моҳир созанда ва бастакор, меҳрибон мураббий, беназир инсон, Ўзбекистон халқ ҳофизи Фаттоҳхон Мамадалиев узоқ давом этган касалликдан сўнг 76 ёшида вафот этди.

Фаттоҳхон Мамадалиев 1923 йилда Андижон вилояти Балиқчи туманидаги Эски Ҳаққулобод қишлоғида таваллуд топди. Ёшлигидан миллий мусиқа санъатига катта ихлоси туфайли дутор, ғижжак, танбур чалишни мукаммал ўзлаштириб, халқ куй-қўшиқларининг моҳир ижрочилари бўлмиш Умрзоқ Полвон Сайдали, Абдулла Тароқ, Беркинбой Файзиев, Жўрахон Султонов, Юнус Ражабий сингари улкан устозлардан сабоқ олди. Натижада ўзига хос ижод йўли ва ижро услубини эгаллади.

Ф. Мамадалиев Андижонда Маданият уйи қошида мақомчилар ансамблини тузиб, қарийб 20 йил давомида ўнлаб ҳаваскор созанда ва хонандаларни катта санъат йўлига бошлади.

Ф. Мамадалиев якка ва ҳамнафасликда ашула, катта ашула, мақом намуналарини қиёмига етказиб ижро этди. Унинг ўта тиниқ, ширали овози ва ўзига хос ижро маҳорати мумтоз мусиқий меросимизга янгидан ҳаёт бахш этди. Унинг овозидаги бироз ҳазинлик мумтоз қўшиқчилигимиз санъатига улуғворлик бахш этар, шинавандалар қалб изтиробларига ҳамдардлик ҳисларини уйғотарди. У басталаган «Интизор», «Оқибат», «Соғиндим», «Кўнгил», «Дилкушо» каби ўнлаб ноёб куй-қўшиқлар мухлислар кўнглидан чуқур жой олди. Эл суйган ҳофиз «Мискин», «Ушшоқ», «Муножот», «Насруллойи» каби туркум асарларни нозик жилолар билан сайқаллаштирди. Ижрочиликнинг ўзига хос йўналишини яратди. Бастакорнинг Халқаро мақомчилар фестивалининг бош мукофотини олган «Дарди дилим» ашуласи бутун Осиё қалбини забт этди.

Ф. Мамадалиевнинг сўнгги 15 йил давомидаги сермаҳсул ижодий фаолияти бир қанча концерт ташкилотлари, Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг Ю. Ражабий номидаги Мақом ансамбли, Бастакорлар уюшмаси билан узвий боғлиқ бўлди. У Тошкент Давлат консерваторияси профессори сифатида ҳам кўплаб ёш истеъдодларни тарбиялаб вояга етказди.

Ф. Мамадалиевнинг миллий санъатимиз ривожи йўлидаги улкан хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистон халқ ҳофизи» фахрий унвонига сазовор бўлган, «Меҳнат шуҳрати» ва «Эл-юрт ҳурмати» орденлари билан мукофотланган эди.

Санъат абадий ва ўлмас қадриятдир. У миллат ва Ватан тимсоли сифатида ҳамиша барҳаётдир. Ҳақиқий санъаткор эса ана шу буюк мўъжиза орқали абадиятга, мангуликка дахлдордир. Бутун умрини ўзбек мусиқа маданияти равнақига тамомила бахшида этган ардоқли санъаткор, покиза инсон Фаттоҳхон Мамадалиев ана шундай кишилардан эди.

Улуғ устоз ва атоқли хонанда Фаттоҳхон Мамадалиевнинг хотираси қалбимизда абадий яшайди.

**И. КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, Ў. СУЛТОНОВ, Ҳ. КАРОМАТОВ, Т. АЛИМОВ, Н. ЖЎРАЕВ, Х. ЖЎРАЕВ. Р. АБДУЛЛАЕВ, А. ОРИПОВ, Р. ЮНУСОВ, О. ОТАХОНОВ, О. ҚОСИМОВ. Ў. САИДЖОНОВ, М. ЙЎЛЧИЕВА, Б. ДАВИДОВА, Ҳ. НОСИРОВА, Т. АЛИМАТОВ.**

ШУКРУЛЛО,
Ўзбекистон халқ шоири

# Д У О

Чингиз Айтматов ҳақида гапириш лозим бўлса, нима дейиш мумкин? Бугун у Тошкентимизга қадам ранжида қилиб, у билан нафасимиз нафасимизга тегиб турганидан қувончимиз, шодлигимизнинг чеки йўқ!..

Одатда табаррук зотларни, улуғ одамлар ўтган жойларни, қаерда бўлмасин, зиёрат қилмоқ учун одамлар, машаққат чекиб бўлса ҳам, борадилар. Чунки зиёратдан улар ўзларига руҳий озуқ олиб, дардлари ариганидек енгил тортиб қайтадилар.

Чингиз қайси табаррук зотлардан кам! Чингиздек жаҳонга машҳур ёзувчини бизлар бориб зиёрат қилиб, табриклаб келиш ўрнига узоқ йўл босиб, мана бугун ўзи келиб ўтирса!.. Бу камтарлик, бизларга бўлган бу меҳридан ортиқ қувонч бўладими! Унинг юртимизга ҳар гал қилган ташрифидан олам-олам руҳий мадад оламиз!

Булар мақтов учун айтилган гаплар эмас. Чингиз мақтовга муҳтож эмас. Бу менинг миннатдорчилигим! Бу ҳар бир кишининг қалбида сақланган ҳислари, холос!

Дунёнинг қайси бурчагига қадаминг тегиши билан ҳамиша халқлар сени таниса, номи дунёга машҳур бўлса, миннатдорчилик билдириб, ҳақингга дуо қилса, бундан ортиқ мақтов, бундан ортиқ эҳтиромни топиб бўладими!

Қадимда ўтган полвонлардан бири: «Мени мақтаб, ҳамду санолар айтманглар, менга битта ғарибнинг дуоси етади», деган экан. Чингиз жаҳон халқларининг дуосини олган.

Бундан 20 йил муқаддам, Чингиз туғилган қишлоқ — Шакарда унинг 50 йиллиги нишонланган кунларда Одил Ёқубов билан мен ушбу тантанага таклиф қилингандик. Бир ҳафта улоқ бўлди, тантана бўлди. Шакар қишлоғидаги янги очилган меҳмонхонани Чингизнинг номига қўямиз, дейишди. Ваҳоланки, қирғиз ёки Қирғизистон деса, Чингизни тушуна оладиган бўлиб қолинган эди. Чингизнинг буюклиги шундаки, у фақат қирғиз халқини эмас, жаҳон халқларининг, XX аср халқларининг кўнглини топа билди. Ҳар бир асари шу мақсадда ёзилган. Жаҳондаги беҳисоб халқларнинг дардини ёзди. Шунинг учун ҳам халқларнинг дуосини олди.

«Асрга татигулик кун»ни ўқимаган одам йўқ. Дўнанбой — Манқурт. У ўз онасини танимайди, ўз халқини, ўз маънавияти, ўз ўтмиши, ўз урф-одатларини унутган одам. Бу асарни ўқиган ҳар бир миллат вакили унда ўз ҳаётининг аччиқ ҳақиқатини кўрди. Халқларнинг кўнглини топиш дегани мана шу бўлади!

Чингизнинг буюклиги шундаки, совет даврида ҳам у халқнинг дилидаги дардларини топиб айта олди. Айтишнинг йўлларини топди. У фақат асарларида эмас, ҳаётда ҳам ҳар бир инсон, ҳар бир халқнинг дардига шерик бўлди.

80-йилларда ўзбек халқининг бошига ташвиш тушиб, Гдлян бошлиқ «десантчи»лар гуруҳи республикамизда қатағон уюштирганда, ўша кезларда бу адолатсизлик ҳақида Москвадан туриб жар солган ким бўлди? Чингиз! Унча-мунча одам ўз нафсидан кечиб бунга журъат этармиди! Шунинг учун ҳам у кўпчилик халқларнинг дуосини топди.

Чингиз билан у туғилиб ўсган Шакарда ўтган кунларни эсласам, кўксим ғурур ҳисси билан тўлади. Ҳузур қиламан! Ўша тантана кунларида иштирок этган ҳар бир одамда шу қувонч ҳисси жўш урганига асло шубҳа йўқ! Лекин менинг қалбимда қувонч билан ичимда ғалаён қилган ҳайрат ҳам йўқ эмас эди.

Чингиз асарларининг қаҳрамонлари юксак мартабали, амал талашган, порахўр, маиший бузуқ амалдор ёки сохта илм эгалари эмас. Қайси асарига назар солманг — «Жамила», «Оқ кема», «Асрга татигулик кун»ми — барчасида қаҳрамонлари ҳаётнинг жабру жафосини татиган оддий одамлар. Бу асарларда уларнинг тақдирлари ҳақида қайғуриш, уларга бўлган меҳру муҳаббатдан бўлак нарсани топмаймиз.

Ўз ижоди билан дунёга донг таратган Чингиз, 50 ёшлик юбилейини собиқ Марказнинг ҳашаматли залларида, республиканинг турли амалдорлари иштирокида дабдаба билан бошламай, ўзи туғилиб ўсган кичкина, оддий овулда ўтказишини қандай тушуниш мумкин эди? Бу ҳам болалилигининг гувоҳи, ўзи билан бирга ўсган оддий маҳалла одамларига, ота-онаси ўтган тупроққа самимий ҳурмати, уларнинг руҳини шод этишнинг ниятидан эди. Ўша кунлари Чингиз билан бирга бўлган одам бунинг гувоҳи бўларди.

Чингизни ўша кунлари ёшликдаги тенгдошлари, маҳалла одамлари билан апоқ-чапоқ кўришишлари, шодликлари, ҳазил-ҳузулларини кўрган одам, ҳақиқатан ҳам унинг хокисорлигини, шуҳратпарастликдан бегоналигининг гувоҳи бўларди. Шакарда ўтказилган шодиёна кунлардан мана, йигирма йил вақт ўтган бўлса, худога шукрки, ўша қадрдонлигимиз кундан-кун ортиб борди, табаррук 70 ёшини соғ-саломат нишонлаш қувончи ҳам насиб этди.

Чингиз билан учрашувни ким ҳам орзу қилмайли дейсиз! Қадрдон шоир дўстларим Қайсин Қулиев, Давид Қуғултинов, Расул Ҳамзат, Мустой Карим билан учрашган чоғларимиздаги гурунгларимизга Чингизнинг қўшилиши бир файз, салобат киритиб юборарди. Бобур айтгандек:

**Ёз фасли, ёр васли,**
**дўстларнинг суҳбати**
**Ишқ дарди, шеър баҳси,**
**боданинг кайфияти...**

баъзан тонготаргача давом этарди.

Одамнинг феълига ҳунарининг ҳам таъсири бўладими, Чингиз, биз шоирларга нисбатан романнавис бўлгани учунми, ўзи ҳам вазмин, бизлардек шаробга шўнғиб кетмасди. Лекин у ўзи иштирок этган шундай гурунглар, суҳбатларда, уйларимиздаги меҳмондорчиликларми, қаерда бўлмасин, хотирада хушнуд из қолдирадиган янги гап айтарди.

Чингиз Тошкентга келган кезларда менинг ҳовлимга унинг муборак қадами тегарди. Албатта, уйимдаги бу меҳмондорчиликлар Ўзбекистоннинг машҳур ёзувчи, шоирлари Абдулла Орипов, Одил Ёқубовларнинг иштирокисиз ўтмасди. Одил жўрабошилик қилиб, улфатчиликка жон киритар, ҳар биримизни кўнглимизни кўтарадиган, бир-бирларимизга меҳримизни оширадиган гапларни топиб айтарди.

1982 йили кузда Чингиз Тошкентга келди. Унинг бу қадами мен учун жуда қутлуғ бўлди. «Аср баҳси» достонимни битириб, худди аравадан чиққан отдек энди енгил тортиб турган кунларим эди. Ўша кунги меҳмондорчилик ҳақида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида Одил шундай ёзган эди:

«Осиё ва Африка ёзувчилари конференцияси бўлаётган кунлар эди. Шу куни Шукрулло ака телефон қилиб қолдилар:

— Конференцияга келган ёзувчилардан уч-тўрттасини таклиф қилган эдим. Чингиз Айтматов ҳам бор, вақтинг бўлса кел, суҳбатлашиб ўтирамиз. — дедилар.

Бордим, Чингиз Айтматов бошқа меҳмонлардан олдинроқ келди.

— Янги шеърлардан бўлса ўқиб беринг, эшитайлик оқсоқол! — деб қолди Айтматов Шукрулло акага.

— Шеър эмас, кичикроқ бир достон билан олишиб ётибман, — дедилар Шукрулло ака, — лекин ўзбек тилида-ку, қандоқ бўларкин.

— Тилимиз бир-ку, тушунамиз, — деб кулди Чингиз. — Ўқинг, эшитайлик.

Шукрулло ака қўшни хонага чиқиб кетдилар-да, ёзиб ўчириладериб қоп-қора бўлиб кетган беш-олти варақ қоғоз олиб кирдилар, сўнг ҳаяжондан овози титраб (Чингиз Айтматовга асар ўқиш осонми) достонни ўқишга киришдилар.

Зимдан кузатиб ўтирибман. Чингиз жим ўтириб эшитди. Аста-секин шоирнинг ҳаяжони унга ҳам ўтди шекилли, қошлари чимирилиб қовоғини уйиб олди. Достон тугаганидан кейин ҳам бир неча дақиқа хаёл оғушида ўтирди, кейин:

— Асарингизни юрак қўри билан ёзибсиз, оқсоқол, кўриниб турибди, — деди. — Ҳозир тинчлик учун курашдан юксак мавзу йўқ. Уруш даҳшати ҳақида бор овоз билан жар солиш, инсонга инсон маъсулиятини эслатиб туриш — ҳаммамизнинг бурчимиз. Яхши иш бўпти, табриклайман, оқсоқол.

Шоир бу гаплардан кейин ҳам ўз достони билан «кўп олишди», унга сайқал берди. Ниоҳят редакцияга олиб келди. Фикрлашдик. Достоннинг жўшқин руҳини яна бир бор ҳис этдик...»

Ўша куни мени ҳаддан зиёд қувонтирган нарса Чингизнинг достонимга берган баҳоси эмас, мутлақо бу эмас! Балки, Чингизжон, Сизни асар муҳокамасига эмас, дийдор кўришиб, бироз кўнгил ёзиш учун таклиф қилган эдим, деб ҳазилга йўйишим, ҳатто рус тилига таржима қилинмаган, деб баҳона ахтаришимга қарамай, унинг: ўқинг, эшитайлик, дейиши, ижодимга бундай эътибори, яширмайман, мени тўлқинлантириб юборган эди.

Кўнгли кўнглига хуш келмаган одамни, қўй сўяман, от миндираман, деб уйингга чақирсанг ҳам, келмайди, дердилар отам.

Яхши-ёмон кунларда ҳамиша бирга бўладиган қадрдон дўстларим Қайсин Қулиев, Давид Қуғултиновлар билан Чингиз уйдами, сафардами бирга бўлган чоғларимизда, тақдирларимиз ўхшаш бўлгани учунми, севиниб яйраб суҳбатлашардик.

Довид 10 йил қамоқда ўтириб келган, Қайсин ўз ватанидан халқи билан бадарға қилинган, Чингизнинг отаси «халқ душмани» саналиб, отилиб кетган, албатта, каминанинг тақдирим ҳам уларникидан бўлакча бўлмаган.

Дўстлик — сирдошлик. Кўнгилдагини очиб дардлаша олиш. Инсон учун бундан ортиқроқ бахт борми! Дийдор кўришиб учрашганимизда боладек қувнаб кетардик. Бу дунёнинг дардларини ҳам яширмай фикрлашардик.

Менинг назаримда, Чингиз Айтматов, ҳар бир асарига қўл уриш олдидан фақат қирғиз халқи ҳаётини эмас, дунё харитасини олдига ёзиб, дунё қаёққа қараб бормоқда, дунё халқларини безовта қилаётган ташвиш, авж олиб бораётган иллат нимадан иборат эканини аниқ тасаввур этиб, режалаштириб олади-ю сўнг ёзишга киришади. Чамамда Япониянинг Фудзияма чўққисидан қутб халқларининг кулбаларигача назар ташлаб чиқади.

Ҳатто, буюк халқлар орасида кичик халқларнинг йўқ бўлиб кетиши хавфи, уларнинг тақдири Чингизни ташвишга солади. «Соҳил бўйлаб чопаётган олапар»да тасвирланган воқеалар фақат кичкина бир халқнинг фожиасимиди! Асло, йўқ! Чингизни умумбашарий, умуминсоний ташвишлар безовта қилади. Қозоғистонда ўтказилган атом синовлари унинг назаридан четда қолмади! Бу офат совет даврида фақат қозоқ халқигагина хосмиди? Йўқ! Собиқ иттифоқ халқларининг биронтаси — гуржими, ўзбекми, болтиқ бўйиликларми, менинг ватаним босқинчилар қўлида, ўз ватанимга ўзим эга эмасман, ватаним йўқ, деб айта олармиди? Айтиб кўрсин, оғзини шу гапга буриши биланоқ, оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолиб, ватан хоини деб отиб ташланарди. Ўша замонда ватанпарварлик, мен ватанга жонимни қурбон қиламан, деган ҳайқириқ шиорлар кўп ишлатиларди. Лекин ватан сўзини айтардик-ку, афсус, ўз ватанимизда туриб, ватансиз бўлиб қолганимизни билмасдик. Ватанга эгалик нима? Ватандан маҳрумлик нима? Ўйлаб тагига етмайдиган бўлиб қолган эдик.

Орол денгизи фақат ўзбекларникимиди? Мен ўттизинчи йиллар Орол денгизида пароходда сайр этганимни эслайман! Қанақанги мавж урган денгиз эди! Унинг атрофидаги халқ шу туфайли ҳаёт кечирарди. Хўш, оқибатда нима бўлди? Шундай гўзал, иқлим шароитининг мувозанатини сақлаб тура олган денгиз нега шу аҳволга тушди? Нега бундай қилиняпти, деёлдикми? Ахир, Орол бизники, ватан бизники эди-ку! Ватанда ватансиз эдик!

Чингиз ўз ватанимизда яшаб, ватансиз эканимизни халққа етказишнинг чорасини излади! Топди!.. Чингиз кўзимизни очди. Манқуртлигимизни ёдимизга солди.

Манқуртлик нима? Манқуртлик, бу — эрксизлик, инсон ҳуқуқининг поймол бўлиши, маданият, ўзлигини унутиш! Бу қаердан пайдо бўлди? Манқуртлик бу — зулму зўравонликнинг маҳсули! Чингизнинг мақсади фақат шуни айтишмиди? Чингизни ташвишга солган, бизни огоҳ этмоқчи бўлган асосий мақсади, зулмдан, зўравонликдан қандай қилиб қутилишни айтиш эди! Чингизнинг жаҳонга машҳурлиги, ёзувчи сифатида буюклиги шунда бўлдики, эркинлик йўқ совет даврида бунинг айтиш имкони йўқ демасдан, унинг чорасини излаш, ўз асарларида ошкора бўлмаса ҳам шунга аниқ ишора қилди.

Чингизнинг ёзувчилардан энг яқин дўстлари, қадрдонларининг энг кўпи ҳам Ўзбекистонда бўлган, десам хато бўлмайди. Ўзбекистонда ўтказилган кинофестиваллар, Осиё, Африка ёзувчилари анжуманлари ва бошқа халқаро анжуманларнинг деярли барчасида Чингиз иштирок этади.

Чингиз асарлари юзлаб тилларга таржима қилинди. Ҳаммамиз ҳам шундай машҳур бўлишни истаймиз! Аммо юзлаб миллатларнинг дардини билиш, қалбига йўл топиш, уларнинг дуосини олиш, дунё ташвишини қалбга сиғдириш осонми? Дунёда кўпнинг дуосини олишдек улуғ бахт борми? Чингизга ҳамма нарса — шон-шуҳрат, оилавий хотиржамлик, молу давлат, ҳаммаси етарли!

Мен кўп қатори қадрли Чингизга чексиз қувонч билан фақат, фақат соғ-омон бўлишини, узоқ умр кўришини, ўзбек халқига, дўстларига меҳри кам бўлмаслигини тилайман.

---

«Ўзбекнаво» гастрол концерт бирлашмаси, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси жамоаси Ўзбекистон халқ ҳофизи, атоқли санъаткор

**Фаттоҳхон МАМАДАЛИЕВ**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

---

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институти жамоаси Библиография кафедраси доценти Ҳамрохон Маматраимовага отаси

**Маматраим АБДУРАҲИМОВ**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

---

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институти жамоаси Оммавий байрамлар ва халқ театри режиссураси кафедраси доценти Фарҳод Аҳмедовга онаси

**Насибахон АҲМЕДОВА**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

